

ОДИЛ СУДЛОВНИНГ ЯКУНИ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ҲУКМ

С.Т.Алишаев

Тошкент давлат юридик университети Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси
ўқитувчиси
e-mail:sobiralishaev25@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада ҳукм тушунчасини одил судловнинг якуний ҳужжати сифатида белгилашга бағишиланган. Замонавий процессуалист олимларнинг “суд ҳукми” концепциясининг турли нуқтаи назарлари ва қараашлари берилган. Ҳукмнинг белгилари ва асосий тамойиллари кўрсатилган. Ҳукмнинг мавзу ва процессуал белгилари ошкор этилади. Ҳукм, шунингдек, давлат ҳокимиятининг ҳаракатидир.

Калит сўзлар: адолат, ҳукм, якуний суд қарори, биринчи инстанция суди, апеллятсия суди.

СУДЕБНОЕ РЕШЕНИЕ КАК ДОКУМЕНТ ОБ ОКОНЧАНИИ СПРАВЕДЛИВОГО СУДЕБНОГО РАЗБИРАТЕЛЬСТВА

С.Т.Алишаев,

*Преподаватель кафедры уголовного-процессуального права
Ташкентского государственного юридического университета,
Ташкент, Республика Узбекистан
e-mail:sobiralishaev25@gmail.com*

Аннотация: Данная статья посвящена определению понятия приговора как итогового документа правосудия. Приведены различные точки зрения и видение понятия «приговор суда» современных процессуалистов. Указаны признаки и основные принципы приговора. Раскрываются предметный и процессуально-процедурный признаки приговора. Указывается, что приговор это также акт публичной власти.

Ключевые слова: правосудие, приговор, итоговое судебное решение, суд первой инстанции, суд апелляционной инстанции.

JUDGMENT AS A DOCUMENT OF THE END OF A FAIR TRIAL

S.T.Alishaev,

*Lecturer of the Department of Criminal and Procedural Law
of Tashkent State Law University, Tashkent,
Republic of Uzbekistan
e-mail:sobiralishaev25@gmail.com*

Annotation. This article is devoted to defining the concept of judgment as the final document of a fair trial. It also presents different points of view and vision of the concept of "court verdict" of modern processualists. The signs and basic principles of the sentence are indicated. The subject and procedural features of the sentence are revealed. It is indicated that the sentence is also an act of public authority.

Keywords: justice, sentence, final judgment, court of first instance, court of appeal.

Суд ҳукми – бу жиноят ишини мазмунан кўриб чиқиш ва ҳал қилиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция ва иккинчи инстанция судларининг хукуқни кўллаш фаолиятининг натижасидир.

Шу сабабли, ҳукмнинг тушунчаси, унинг таркиби ва мазмуни билан боғлиқ саволлар ҳар доим олимлар ва амалиётчиларнинг марказий эътиборида бўлиб келган.

Шунга қарамасдан шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки охирги вақтларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексига (кейинги ўринларда - ЖПК) киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан ҳукмнинг расмийлаштириш билан боғлиқ масалалар янада долзарблашди деб ҳисобласак бўлади.

Ҳукминг одил судловнинг ҳужжати сифатида тушунчаси ва мазмуни назарий, қонунчилик ва амалиёт билан боғлиқ ҳолатдаги долзарблиги суд ҳукмининг эълон қилиниши билан боғлиқ киритилган ўзгартириш билан долзарблашди десак муболаға бўлмайди. У билан суд ҳукмини эълон қилишни қисқартирилган шакли киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 473-моддаси 1-қисмida суд мажлисида раислик қилувчи ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилиш билан чекланиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, қонунимизда ЖПКнинг 54-боби 454-моддаси "Ҳукмни чиқариш" мавжуд бўлиб, унда факатгина суд ҳукмини чиқариш билан боғлиқ процессуал нормалар тартибга солинган. Мувофиқ равишда қонунчилигимизда ҳукм ва бошқа суд қарорлари одил судлов ҳужжатлари сифатида эътироф этилган. Бироқ қонун чиқарувчи ҳукмни бошқа одил судлов ҳужжатларидан алоҳида ажратиб кўрсатади. Бу қонун чиқарувчи томонидан ҳукмга алоҳида боб (ЖПК 54-боб) ажратилганида намаён бўлади. Унда ҳукмни чиқариш вақтида суд ҳал қилинадиган масалалар, ҳукм жавоб бериши лозим бўлган талаблар, ҳукмни чиқариш ва эълон қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар.

Ҳукмга нисбатан бундай муносабат албатта уни суд қарорлари орасида алоҳида ўрин тутиши ва одил судловнинг ягона ҳужжати ҳисобланадими деган савол тұғдирали. Бу ўринда ЖПК нормаларига мурожаат қилсан, уларда суд ҳукми, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ёки бошқа таъсир чораси қўлланилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги ҳақидаги жиноят суд иш юритувининг асосий вазифаларини ҳал этадиган, суд муҳокамасига якун ясадиган Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган одил судловнинг муҳим ҳужжатидир деб кўрсатилган.

Ушбу нормаларда алоҳида урғу ҳукм қайси орган томонидан қабул қилиниши ва унинг қарор сифатида мазмуни нимада эканига берилган. Ушбу аниқлаштириш жиноий одил судловнинг асосий масаласи, яъни шахснинг айбli ёки айбсизлиги тўғрисидаги масалага жавоб берадиган ҳужжат ҳукм эканлиги ойдинлаштирилган. Бир сўз билан айтганда суд қарори турларидан юқоридаги талабларга фақатгина суд ҳукми мос келиши кўринади. Суд ҳукми бошқа суд қарорларидан асосий фарқи уни суд муҳокамасида жиноят ишини мазмунан кўриб чиқилиши билан белгиланади.

Бироқ суд ҳукми суд муҳокамасида чиқарилмайди, балки у суд муҳокамасида шаклланадиган якуний процессуал ҳужжат, якуний хулоса ҳисобланади. Жиноят ишини

**International Conference on Developments in Education
Hosted from Amsterdam, Netherlands**

<https://econferencezone.org>

April 30th 2022

ҳал құлувчи бошқа якуний қарорлар (жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор) бошқа босқичларда ҳам чиқарилиши мүмкін, масалан жиноят иши бүйіча дастлабки әшитув босқичида ёки иккінчі инстанцияда.

Хисоблаймизки, ЖПКнинг 455-моддаси талабларидан келиб чиқиб, хукмни фақатгина суд мұхокамаси үтказилиши натижасыда суд томонидан чиқарилишига ургу берилған. Бундай аниқлаштириш мұхим хисобланади, чунки ЖПКнинг 50-боби, яғни суд мұхокамасининг умумий шартларидан күринады, суд хукмининг фактік ва хукуқий асоси суд ва бошқа жиноят иши тарафларининг одил судловнинг барча принципларыға риоя қылған ҳолда амалға оширадиган процессуал фаолиятининг натижаси хисобланади. Бунда суд турғови түлиқ үтказилиши натижасыда қабул қилинған суд қарори суд хукми сифатида түлиқ үз мақомига түғри келади. Айнан у давлат номидан қабул қилиниши лозим, чунки уни шаклланишини фактік асоси түлиқ суд мұхокамаси натижасыда қабул қилинған бўлади ва унинг хукуқий ишончлилигини таъминлайди.

Шундай қилиб, “хукм одил судлов хужжати” таърифида мұхим калит сўз сифатида “суд мұхокамаси” тушунчаси туради.

Бироқ қонунда унинг тушанчасыга аниқ таъриф берилмаган. Хукуқий нормаларни таҳлил қилиш суд мұхокамасини суд мажлisisiga тенглаштириш имконини беради. Қонунда суд мажлisi – жиноят иши бүйіча судга қадар ва суд босқичида амалға ошириладиган одил судловнинг хукуқий формасидир деб тушунча берилған.

Ушбу тушунчаларни таҳлил қилғанда, “хукм одил судловнинг хужжати сифати”даги тушунчасыда “суд мұхокамаси”га алоҳида рол берамиз. Бироқ, қонунимизда унинг тушунчаси аниқ қилиб кўрсатилмаган. Норматив қоидаларни анализ қилиш орқали биз суд мұхокамасини суд мажлisisiga яқин тушунча сифатида эътироф этишимиз мүмкін. Суд мажлisi бу жараён бўлиб, бунда суд мұхокамаси ҳам үтказилади. Ушбу талқинлар аниқ бир норматив қоидани келтириб чиқармайди. Улар фақат қўйидаги хуносаларни чиқаришимизга сабаб бўлади, яғни суд мұхокамаси – бу суд мажлisisidir ва суд мажлisi жиноят процессининг барча инстанцияларида ўрнига эга бўлгани сабабли, апелляция инстанцияси суди ва кассация инстанцияси суди ҳам қонуний кучга кирган суд хукмини айнан суд мұхокамасида текширади ва қайта кўриб чиқишиади.

Бундай ёндашувда суд мұхокамасини алоҳида норматив тушунчага киритишга ўта мұхим эҳтиёж келиб чиқмайди, чунки у суд мажлisi тушунчаси билан түлиқ мос келади. Агар суд мұхокамасига таркибий жиҳатдан (процессуал фаолият сифатида) апелляция ва кассация инстанциялари суд мажлislарини тенглаштирусак, жиноят процесси марказий қисмидаги фаолият сифатида аралашиб, қўшилиб кетади. Лекин биз уларни бир-бирига тенглаштирусак ҳам барибир улар ўртасида фарқлар мавжуд, жумладан кассация суд мажлisiда суд тергови мавжуд эмас, биринчи инстанция ва апелляция инстанциялари суд мажлislарида эса, суд тергови мавжуд.

Шу сабабли суд мұхокамаси учун алоҳида белгиланған умумий шартлар ҳар доим ҳам кассация инстанцияси суд мажлislарига тааллуқли эмас, масалан: суд терговида далилларни бевосита текшириш.

Мантиқан олиб қараганда, суд мұхокамасини суд мажлisisinинг тури сифатида белгилаш түғри бўлар эди, чунки биринчи инстанция суди ва апелляция инстанцияси суди жиноят ишини мазмунан кўриб чиқиб, судланувчини айбдор ёки айбсиз эканлиги масаласини ҳал қилишиади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи “суд мұхокамаси” тушунчасыга доктриналь таъриф бермаган. Унда кенг маънода, одил судловни амалға ошириш шакллари ва босқичларини ўзида ифода этувчи тушунчалар қамраб олинган. Е.А. Зайцеванинг фикрича “суд мұхокамаси” деганда, суд жараёнининг иккінчи босқичи тушунилиши керак дейилган, чунки айнан шу босқич ҳал құлувчи ҳисобланади деб таъкидлаб ўтган. [4, с. 25]. Айнан шу босқичда, яғни суд мұхокамасида биринчи

инстанция суди жиноят иши ҳолатларига ҳар тарафлама, атрофлича текширилган далилларга таяниб, иш бўйича мазмунан қарор қабул қиласди ва процессуал ҳужжат ҳисобланган ҳукм чиқаради. Ушбу ҳукмда эса, шахсни муайян бир жиноятни содир этган ёки этмаганлиги ҳамда унга нисбатан бериладиган жазо тури ва миқдори ўз аксини топади. Шу орқали суд ҳокимиятининг ажралмас кучи ҳисобланган – одиллик функцияси амалга оширилади.

Н.С. Манова ҳам суд муҳокамасини функционал белгиланганига қараб суд жараёнининг тури сифатида жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш натижасида одил судловни амалга оширишдир деб таъриф берган. [5, с. 292].

Суд муҳокамаси суд жараёнининг фаолиятининг алоҳида турини англатиб, натижада жиноят иши мазмунан кўриб ҳал қилинади. “Суд мажлиси” тушунчаси жиноят иши бўйича суд фаолиятининг алоҳида турини англатмайди, балки суд фаолиятининг умумий ташкилий ишини англатади. [6, с. 267]. Суд муҳокамаси албатта судланувчини айбордлик масаласини ҳал қилиш учун далилларни бевосита текшириш билан боғлиқ суд терговини ўзида акс этириши керак. Акс ҳолда барча суд мажлислари – суд муҳокамаси, оралиқ суд қарорлари, одил судлов ҳужжатидир. Унда савол туғилади, давлат номидан чиқариладиган суд қарори сифатида ҳукм чиқариш нимага асосланиши керак? Ҳукмда давлат номидан деб кўрсатилиши расмийятчилик эмас, у ҳужжатни ижтимоий аҳамияти ва юридик ишончлилигини тасдиқлайдиган ҳуқуқий белгидир. Шунинг учун ҳам барча суд қарорлари давлат номидан чиқарилмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖПКГа қўйидаги таҳрирдаги тушунча билан тўлдириш таклиф этилади, яъни “Ҳукм – бу жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланганди тартибда давлат номидан биринчи ва апелляция инстанция судлари томонидан жиноят ишини суд муҳокамаси натижасида чиқариладиган ва судланувчини айбизлигини ёки жазо тайинлаш орқали айбордлигини белгилайдиган одил судлов ҳужжати”.

“Жиноят ишини мазмунан қўриш” ва “одил судло” тушунчаларини таққослаганда, Л. Ф. Мартыняхиннинг фикрича жиноят ишини мазмунан қўриш (функция сифатида) ўзида жиноят ишини тугатиш ёки мажбурлов чораларини қўллашни назарда тутувчи жараён деб баҳолайди.[8, с. 121]. Бошқача айтганда жиноят ишини мазмунан қўриш тушунчаси одил судлов тушанчасидан анча кенгроқдир.

Бундан ташқари биринчи инстанцияда жиноят ишини тугатишни барча асосларида судланувчини айбордлик масаласи ҳал қилинмайди. Фақатгина битта ҳолатда – прокурор айбловдан воз кечганда жиноят ишини тугатиш реабилитация асосларига тўғри келади. Бундай ҳолатда мазмунан айб исботланмагани ҳолати келиб чиқади (*nemosineactor* — даъвосиз жараён мавжуд бўлмайди). Суд бундай ҳолатда асосий вазифаси судланувчини айблилик ёки айбизлик масаласини ҳал қилишдан озод қилинади, чунки бундай ҳолатда жиноий жавобгарликка тортиш асоси бўлган тортишувли ҳуқуқий вазиятнинг ўзи ечиб ташланади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкини, “ҳукм одил судлов ҳужжати” сифатида судяларнинг онгидаги ақлий фаолиятнинг натижаси ва ўтмишда содир бўлган жиноятнинг объектив ва этарлича воқеаларини акс эттирувчи модел сифатида хulosса чиқаришимиз мумкин. Жиноят қонунчилигини ҳуқуқий баҳолаш ва суд қарори ҳал қилувчи аҳамиятга эга адолат ҳаракати.

Ҳукм билан боғлиқ барча бошқа процессуал ҳаракатлар ёрдамчи аҳамиятга эга. Улар ҳукм қилиш учун шартларни тайёрлайдилар (айблов хulosаси, суд ишини тайинлашни белгилаш) ёки ҳукмнинг қонунийлиги ва асосланишининг қўшимча кафолатлари (апелляция қарори, суд назорати тартибида белгилаш).

Суд қарори фақат қонуннинг барча талабларига жавоб берадиган ва айбланувчининг айбордлиги (ёки айбизлиги), унинг жазоси ёки оқланиши ва ҳатто кучга кирган тақдирда ҳам тўғри қарор қабул қилган тақдирда қўлланилиши мумкин.

References:

1. Мотовиловкер Я. О. О предмете и движущей силе уголовного процесса // Правоведение. 1987. № 6. С. 81—83.
2. Зайцева Е. А. Сущность и значение стадии судебного разбирательства // Уголовный процесс: учебник. Ч. 3. Судебное производство по уголовным делам. 4-е изд., перераб. и доп. / под ред. В. Г. Глебова, Е. А. Зайцевой. Волгоград: ВА МВД России, 2013. 296 с.
3. Манова Н. С. Сущность и процедуры производства по проверке судебных решений, не вступивших в законную силу // Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации: год правоприменения и преподавания. М.: МГЮА, 2004. С. 291—295.
4. Аширбекова М. Т. Принцип публичности уголовного судопроизводства: понятие, содержание и пределы реализации: дис. ... д-ра юрид.наук. Волгоград, 2009. 483 с.
5. Берова Д. М. Совпадает ли правосудие с разрешением уголовного дела судом? // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2014. № 4. С. 15—19.
6. Мартыняхин Л. Ф. Судебные уголовно-процессуальные функции, их предмет и пределы осуществления // Вестник Томского государственного университета. 2009. № 327. С. 118—121.
7. Аширбекова М. Т. Соотношение уголовно-процессуальных функций с этапами правоприменения и назначением уголовного судопроизводства // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2015. № 4. С. 90—95.
8. Kudratillaev K. SPECIFIC FEATURES OF THE USE OF PRECAUTIONARY MEASURES //СОВРЕМЕННЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ. – 2022. – С. 215-218.
9. Mamatalieva S. K. SOME PROBLEMS OF THE PROSECUTOR'S PARTICIPATION IN CIVIL COURTS //Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka. – 2022. – T. 2. – №. 1.
10. Mamatalieva S. K. SOME PROBLEMS IN THE APPLICATION OF THE PROSECUTOR'S OPINION ON CIVIL PROCEDURE //Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka. – 2021. – T. 1. – №. 2.